

# ISTIQBOL

Зангиота тумани ҳокимлиги газетаси  
1934 йил 10 июлдан чиқа бошлаган

**ИСТИҚБОЛ**

2020 йил  
16 октябрь, жума

**№ 35**  
(5932)

## ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Бу ҳақда туман ҳокимлиги  
соатида гапирилган эди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманимиздаги Халқ қабулхонасида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан сайёр қабул ташкил этилди.**

Қабулда вазирликнинг йўловчи ва юк ташиш ташувларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Аброр Исаев, вазирликнинг Темир йўл транспортни ривожлантириш департаменти бошлиғи Авазбек Аҳмедов, вазирликнинг вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи Садридин Шоқосимовлар фуқароларни қабул қилиб, уларнинг таклифларини атрофлича ўрганишди.

Туманда йўловчи ташиш транспорти хизмати анча яхши йўлга қўйилган. Туманнинг энг чекка қишлоқларини ҳам шаҳар билан улоччи бир қанча йўналишлар очилган. Лекин бу борада ҳамон ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Жумладан, Қатортол қишлоғининг бир нечта маҳаллалари ҳамда чекка "Намуна" маҳалласи, Назарбек қиш-

ман маркази томон ҳаракатланадиган маршрутли такси эса биринчи бекатдаёқ тўлиб, йўлдаги одамлар қолиб кетади. Агар автобус қатнови ҳам йўлга қўйилса, бу Ўртаовул кўрғони, Зангиота қишлоғи, Эркин қишлоғининг кўп сонли аҳоли яшайдиган "Қуёшли" маҳалласи ва бошқа ҳудудларда яшовчи аҳолининг туман марказига бориб-келишларида катта қулайлик яратилган бўларди.

Сайёр қабулда Назарбек қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл муаммоси яна кўтарилди. Сабabi бу ердан юк поездлари ўтганда автомобилларнинг ўтиш йўли 40 дақиқачақа ёпилиб қолмоқда.

Мутасаддилар бу масалани ҳам атрофлича муҳокама қилдилар. Шу куни қабулга келган барча фуқароларнинг таклифлари жойига чиқиб ўрганиладиган бўлди. Демак, яқин кунлар ичида ўзгариш бўлади.

Ўз мухбиримиз.



Халқ қабулхонасида сайёр қабул

## КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАН

### ҚАРЗДОРМИСИЗ, ЎРТОҚ РАҲБАР?

Ўтган ҳафта бўлиб ўтган туман ҳокимлиги соатида туманимизда коммунал тўловлар борасидаги қарздорлик масалалари ҳам муҳокама этилганди.

Мана, қиш-қировли кунлар ҳам яқинлашиб келмоқда. Аёзли кунларда аҳолини табиий газ, электроэнергия, тоза ичимлик суви билан бир меъёрда таъминлаш борасида мутасаддилар бор имкониятларини ишга солган ҳолда тайёр-гарлик ишларини якунига етказиш ҳаракатида-лар. Барчаси рисоладагидек бўлиши учун эса етарли маблағ кераклиги ҳеч кимга сир эмас. Агар фуқаролар тўловларни ўз вақтида тўласалар, қарздорликни тез орада бартараф этсалар, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Шундай экан, тумандаги мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир ташкилот раҳбари бу борада ходимларига, аввало, ўзлари намуна бўлишлари керак. Бир сўз билан айтганда, "аввал ўзингизга боқинг..." деган гапга ўрин қолмаслиги керак.

– Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишдан кейин кўп раҳбарлар келиб, қарзларини тўлаб кетишди, – дейди "Зангиотатумангаз" газ таъминоти раҳбари Музаффар Алиев. – Уларнинг ўз қўл остидагиларга ибрат бўлаётгани яхши, албатта. Лекин ходимларининг қарзи бор-йўқлиги-га эътибор қаратишса янаям яхши бўларди.

Газ таъминоти раҳбари ҳақ гапни айтди. "Ўзимнинг қарзим йўқми, бўлди..." 2

Газетхон учун суҳбат

## "ҲАМОН ЎША-ЎШАСАН... ҚИЁ БОҚМАЙ ЎТАСАН..."

Туманимизда барча соҳада катта ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ҳақда соатлаб гапирилса ҳам охири кўринмайди. Лекин бугунги мавзумиз бу ҳақда эмас, балки айрим маҳаллалар мутасаддилари томонидан ўз ҳудудларидаги ободончилик ва тозалик ишларига панжа ортидан бўлаётган муносабат хусусида...

Газетамизнинг шу йил 3 июль сонидан "Юқумли касаллик: коронавирус эмас..."

лоқайдлик" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда туманимиздаги бир қатор ҳудудлар, хусусан, Қатортолдаги "Бўзсув" канали ёқалари, "Найман" маҳалласи, Назарбекдаги "Қирғузар" маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи "Юқори жун" канали ёқаси, "Бўзсув" каналининг "Чинор" ва "Улуғбек" маҳалларини ажратиб турувчи қисмида жойлашган кўприк атрофидаги ачинарли манзаралар ҳақида сўз юритилган эди.

Ўша кезларда мақолада келтирилган ҳолатлар юзасидан бўзсувликлар тезкор ҳашар уюштириб, кўприк атрофини

сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда туманимиздаги бир қатор ҳудудлар, хусусан, Қатортолдаги "Бўзсув" канали ёқалари, "Найман" маҳалласи, Назарбекдаги "Қирғузар" маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи "Юқори жун" канали ёқаси, "Бўзсув" каналининг "Чинор" ва "Улуғбек" маҳалларини ажратиб турувчи қисмида жойлашган кўприк атрофидаги ачинарли манзаралар ҳақида сўз юритилган эди.

4

## "ҚОЗОНИДА ҚАЙНАБ" ЎРГАНДИМ

Президентимиз 2019 йил декабрь ойида Япония давлатига бўлган ташрифи доирасида у ерда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан ҳам учрашди. Улар орасида туманимиздаги қатортоллик Юлдуз Амирова ҳам бор эди. Яқинда иқтидорли қизимиз Япониядан қайтиб келди.

– Суҳбатимизни нима учун айнан япон тилида ўқишни танлаганингиздан бошласак. Билишимча, ўзбек тили ва адабиётига қизиқардингиз.

– Ўзбек тили – она тилим. Уни пухта ўрганиш учун кўп ўқидим ва ҳали ҳам изланишдаман. Чунки ўзбек тили ниҳоятда бой тил. Унинг очилмаган қирралари ҳам жуда кўп. Лекин халқимизда "тил билган – эл билади", деган нақл бор. Инглиз тили билан бир қаторда япон тилини ҳам ўргангим келди. Киносериалларда японларнинг муомала маданияти, бир-бирларига бўлган самимий муносабатларини кўриб, улар ҳаётда ҳам шундаймикан, деб ўйлардим. Маданиятига қизиқардим. Худди шу нарса мени Жаҳон тиллари университетининг филология ва жаҳон тилларини ўқитиш факультетининг япон тили йўналишига етаклади. Ўқишга кирдим. Ўтган йили январда 3-босқичда ўқиб юрганимда эл-чихонада япон тили ва маданияти бўйича

грант танловлари эълон қилинди. Ҳужжатларимни топширдим ва синовлардан



муваффақиятли ўтдим. Сентябрь ойидан ўқишимни Япониядаги Нагоя 2



Мавзуга қайтиб

АЗИЗ ГАЗЕТХОН! СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ "ИСТИҚБОЛ"ГА 2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

**ISTIQBOL**

Обуна газета таҳририятида расмийлаштирилмоқда. Обуна Сиз истаган усулда нақд тўлов, пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг ҳисоб рақам: ЧЭКИ "Савдогарбанк" Зангиота филиали.  
Ҳ/р: 20210000600190886001 МФО: 00414 ИНН: 200580484 ОКОНХ: 87100

**КАРАНТИН ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!**

## ТАЛАБАЛАРГА ҲОКИМ “НОУТБУК” СОВҒА ҚИЛДИ : КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРМИСИЗ, ЎРТОҚ РАҲБАР?

Туманимиздаги эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларда ҳам иқтидорли қизлар жуда кўп. Давлатимиз бу йил ана шундай қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб, республикамиз бўйича улар учун 940 та 4 фойзлик қўшимча давлат гранти ажратилган эди.



Бу ғамхўрлик бугун туманимиздаги 7 та оилада акс-садо берди. Ўзлари танлаган

мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган хотин-қизларнинг қувончи чексиз. Улар келгусида яхши мутахассис бўлиб етишиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишни ўз олдларига эзгу ният қилиб қўйдилар.

Куни кеча талаба қизларга туман ҳоқими томонидан ноутбук совға қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

### Туманимиз ҳафта ичида

## МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ БЎЛДИ

“Адолат” социал-демократик партияси туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Нигора Холхўжаева “Қўёшли” маҳалласидаги “Мезон” кўчаси яшовчи аҳолининг мурожаатларини ўрганиш учун “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадаст-

ри” ДК туман филиали раҳбари Фахриддин Қодиров билан бирга мазкур кўча фуқаролари билан мулоқотда бўлишди.

Фуқароларнинг муаммолари жойида ўрганилиб, ечимини топди.

**Атҳам БОБОЕВ.**

## ИШСИЗЛАР СОНИ КАМАЙМОҚДА

“Олмазор” маҳалласида “темир дафтар”га киритилган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаб, уларни оёққа туриб олишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин-

да яна бир фуқаро ишли бўлди. М.Рамазанова маҳалла ҳудудида очилган “Имзо” корхонасига ишга жойлаштирилди.

**З.МАСЛАНОВА.**

## ЙЎЛ РАВОН, СУВ ТАРМОҒИ СОЗ

Маҳалламиз кўчаларида “Юртимнинг ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!” шиори остида ободонлаштириш, кўчаларни асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Янги йўл” 3-берк ва “Нурафшон” 3-берк кўчаларида яшовчи аҳоли, кўчабошилар, нуронийлар ва тадбиркорлар биргаликда ўз маблағлари ҳисобидан кўчаларнинг 800 метрини асфальтлашга киришдилар.

“Янги йўл” шоҳ кўчасидаги сув қувури ишдан чиқиб, қатор ноқулайликларни келтириб чиқарганди. Муаммо тезда бартараф этилди. “Мусаффо оби ҳаёт” ва “Пластерм техноложи” корхоналари томонидан 30 метр сув қувурлари алмаштирилиб, тармоқ соз ҳолга келтирилди.

**Фарҳод ҲОЗИЕВ,**

**“Бодомзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## “ҚОЗОНИДА ҚАЙНАБ” ЎРГАНДИМ

И университетда давом эттириб, “Япон тили ва адабиёти” дастури бўйича таълим олдим.

– **Тилни пухта ўрганишда мулоқотнинг ўрни катта. Ўзга юртга боргандан кейин фақат ўша юрт тилида гапиришга тўғри келади. Қийналмадигизми?**

– Университетда ўқиган ва ўрганганларим қўл келиб, японлар билан тезда чиқишиб кетдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Биз бир кун қайсидир бир оилادا кун бўйи бўлардик, мулоқот қилардик, ҳаёт тарзини ўрганардик. Менинг “япон ойим” ва “япон дадам” бор эди. Улардан кўп нарса ўргандим. Уларнинг нафақат менга, балки бошқаларга ҳам кўрсатаётган меҳрибончиликларини кўриб, қойил қолардим.

– **Киносерияларда кўп кўрамиз, японлар ерда ўтиришади.**

– Шундай. Уларда ҳам бизниқига ўхшаган хонтахта бор, лекин атрофига кўрпача тўшашмайди. Ҳар бир киши учун мўлжаллаб тикилган кичкина кўрпача бор. Шунга ўтиришга таклиф этишади. Бизнинг урф-одатларимизда меҳмон кўпинча айтмай келади. Лекин уларда бундай эмас. Меҳмон келадиган кунини, вақтини олдиндан айтади ва айрилган вақтдан бир дақиқа ҳам кечикмай келади. Японларда интизом кучли.

– **Меҳмондўстлиги-чи?**

– Худди бизниқидек. Меҳмон учун шундай таомлар тайёрлашадики, мазаси оғзингизда қолади. Чойни ҳам алоҳида меҳр билан дамлаб, қондасига кўра ўта назокат билан узатишади. Худди бизнинг

келинлар ҳайит кунлари чой узатгандек. Чойлари ҳам антиқа. Гуруч, буғдой... чойлар. Кўк чойнинг ўзининг ўнлаб турлари бор. Шундай гиёҳлардан тайёрлашадики, шифобахшлиги беқиёс.

– **Японларнинг биз ўргансак арзийдиган қандай томонлари бор?**

– Ўта назокатли халқ. Бир йил турган бўлсам, на уйда, на кўчада бир-бирига қаттиқ ёки бақириб гапирган одамни учратмадим. Метрода юрасизми, автобусдами, жимжитлик. Ҳеч ким бир-бири билан гаплашмайди. Бировнинг қўлида китоб, бировнинг қўлида газета. Уларнинг бу қадар маданиятли бўлишида китоб ва газеталарнинг ҳам катта ўрни бўлса керак, деган хулосага келдим. Агар бирор киши бошқасига беҳосдан сал туртини ўтса, кечирим сўрайди. Саломлашганда қўл узатмайди, таъзим қилади. Қарерда бўлмасин, ёшлар катталарга йўл беради, катталарнинг олдига тушиб юрмайди. Мени биринчи кундан бошлаб ҳайрон қолдирган нарса тозалик бўлди. Бирор

деган билан иш битмайди. Ҳар бир раҳбар ўз қўл остида ишлаётганларнинг қарздорлиги билан ҳам қизиқиши шарт. Балки ходимнинг коммунал тўловларга қурби етмаётгандир. Қийналиб қолган бўлса одамийлик нуқтаи назаридан ёрдам бериши керак. Туманимизда кўплаб тадбиркорлар эҳтиёжманд оилаларнинг коммунал тўловларидаги қарзларини тўлашга ёрдам бераётганлигини бот-бот эшитиб қоламиз. Ўшалардан ўрнак олсак бўлмайди. Ҳар бир раҳбар қийналиб қолган ходимини қўллаб-қувватласа, ходимнинг ҳам ишлашга бўлган рағбати ортади.

“Зангиотатумангаз” газ таъминоти раҳбари бизга бир қатор қарздор истеъмолчилар рўйхатини тақдим этди. Жумладан, 1-мактабда ишловчи М.Қорахўжаеванинг қарздорлиги 3 611 870 сўм, К.Нуриддинованинг қарздорлиги 3 452 189 сўм, 5-мактабдан Г.Давронбекованинг қарздорлиги 6 023 916 сўм. Бу каби катта қарздорликларни 9, 11, 21-мактаблар, 4, 24, 30-мактабгача таълим ташкилотларида ишловчи ходимлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман Тиббиёт бирлашмаси, қишлоқ врачлик ҳамда оилавий поликлиникаларда ишлови бир гуруҳ ходимларнинг ҳамда аҳолининг қарздорлиги ҳамон юқориликча қолмоқда.

Ҳар бир раҳбар ўз қўл остида ишловчи ходимларнинг қарздорлиги билан қизиқмас, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларидаги оилалар билан етарлича ишламас экан, аҳвол ўнганмайди. Шундай экан, эртага “нега газ босими паст?” деб юрманг. Чунки дўконга кирсангиз, бозорга борсангиз пулингиз бўлмаса қуруқ қўл билан қайтасиз. Беминнат дастуримиз бўлган “табиий газ” ҳам осмондан тушмайди, унинг замирида у ер остидан тортиб олиниб, хонадонларингизга кириб боргунча бўлган масофа оралиғида минглаб ишчиларнинг, мутахассисларнинг меҳнати ётади.

Қиш яқинлашмоқда. Ёзда газдан кам фойдаландирингиз, тўлови оз эди. Қишда эса аксинча, уйингизни иситишнинг ўзини ҳазилакам газ сарфланмайди, ҳисоблагич куну тун тинимсиз айланади. Бу, тўловингиз ҳам кўп бўлади, дегани. Ўша вақтда қарзларингиз устига қарз қўшилиб, “қаддингизни букиб” қўймаслиги учун бугундан ҳаракатингизни қилинг, ҳурматли газ истеъмолчилари.

Раҳбарларга эса коммунал тўловларига масъулиятни ҳис этган ҳолда алоҳида эътибор қаратишларини сўрардик. Бу муҳим ишга барча бирдек киришса, ўйлаймизки, қарздорликдан тез орада қутуламиз.

**Ж.АМИРОВА.**

## НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМАЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

**Автотранспорт воситалари иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари кўп ҳолларда йўл четига қурилган ноқонуний қурилмалар ҳисобига ҳам содир этилмоқда.**

Яқинда бу борада “Тарнов” маҳалласида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганиш давомида маҳалла ҳудудида турли ноқонуний қурилган қурилмалар борлиги аниқланди. Ноқонуний қурилмани бартараф этиш бўйича ўрнатилган тартибда фуқаролик судига тақдим этиш учун Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри, туман Бош архитектори, “Тарнов” МФЙ раиси ҳамда профилактика инспектори иш-

тирокида далолатномалар расмийлаштирилди.

Шунингдек, туман Табиатни муҳофаза қилиш минтақавий бўлими томонидан ушбу маҳалла ҳудудида ноқонуний равишда катта йўл юзига ахлат тўкаётган машина ҳайдовчисига жарима солинди. Туман Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан машина жарима майдончасига олиб кетилди.

**Туман ҳоқимлиги Ахборот хизмати.**

нида қайнаб” ҳам ўргандим. Шунинг гувоҳи бўлдимики, японлар қонунларни қаттиқ ҳурмат қилишар ва унга қатъий риоя этишар экан. Ривожланишнинг туб илдизи қонунларга бўлган ҳурматда ва интизомга амал қилишда, деб ўйлайман.

– **Президентимизнинг ўтган йилнинг декабридаги Японияга ташрифи қандай таассуротлар қолдирди.**

– 24 нафар биз талаба ёшларга 17 декабрь куни элчихонадан Президентимизнинг совғаси бўлмиш “Макбук”ни топширишди. Қувончимиз чексиз эди. Лекин эртаси куни бизни шундай қувонч кутиб турган эканки, бу кунни таърифлашга ожизман. Президентимиз Университетга келиб биз ўзбекистонлик ёшлар билан учрашдилар. Университет ректорига миннатдорчилик билдирдилар, бизларга “Ўзбекистоннинг келажаги сизларнинг қўлингизда” деб ишонч билдирганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бирга расмга тушдик. Ўшанда Ватан соғинчини янаям чуқур ҳис этдим. Бу кун умрим дафтариди ҳеч қачон ўчмайдиган саҳифа бўлиб қолади. Юртимизда биз ёшларнинг илм чўққиларини эгаллашимиз учун яратиб берилаётган имкониятлардан бошимиз кўкка етади. Бунинг учун ҳукуматимизга чексиз раҳматлар айтмамиз. Мана яна ўз юртимдан. Юртбошимизнинг ғамхўрликларига жавобан юрт равнақи учун жонудилим билан хизмат қиламан. Ниятим – “Ўзбекистон – Япония” марказида ишлаб, эл-юртга хизмат қилиш. Бугун Ватан биздан шуни кутмоқда.

**Жамила АРСЛОНОВА суҳбатлашди.**



**Бу йил туманимиз ёшларининг 291 нафардан ортиғи олий ўқув юртига ўқишга киришди. Улар орасидан келгусида Юлдузхон каби чет давлатларда ҳам ўқиб, ўз соҳасининг етук мутахассиси даражасига қўтариладиган ёшлар етишиб чиқса ажабмас.**

21 октябрь – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

1989 йил 21 октябрь. Худди шу кун юртимизда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу йил ушбу санага ҳам 31 йил тўлибди.

Айни дамда муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Она тилимиз миллий ўзлимиздир. Бош Қомуси-

## МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

мизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг миллий рамзлари – байроқ, герб, мадҳия қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас рамзга айланди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Давлат ҳужжатлари, даврий нашрлар, дарсликлар она

тилимизда ёзила бошланди. Бу халқимиз руҳини кўтарди. Кейинчалик эса, байрам сифатида боғча, мактаб, коллеж, институтларда нишонлана бошланди. Ташкилотимиз томонидан жажжи болажонлар учун ҳар йили “Тил – халқ бойлиги”, “Тилга ҳурмат – элга ҳурмат” номли байрам тадбирлари ўтказилади. Тадбирда болажонлар она Ватан, она тили ҳақида шеърлар ўқиб, уларга муҳаббатларини изҳор этадилар.

Бир сўз билан айтганда, тил байрами инсонни она тилига ва ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатини жўш урдирувчи бетақдор байрамдир. Биз она тилимиз билан чексиз фахрланамиз.

**Азамат АҲМАДЖОНОВ,**  
туман Мактабгача таълим бўлими мудири.

## ХАТО “МУАЛЛИФИ” ЎЗИМИЗ, БОЛАДАН ЎПКАЛАМАЙЛИК

Тил – миллат кўзгуси. Жаҳидлар, ундан кейинги давр ёзувчилари тилимизнинг софлиги учун чинакамига қайғурганини бугун жуда яхши биламиз. Мен Абдулла Қаҳҳорнинг асарларини доимо чанқоқлик билан ўқирдим. Сабаби унинг тили раво, ўзбек тили имкониятларидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда ёзилгани учун ҳам қайта-қайта ўқисангиз-да, ўқигингиз келавради.

Бу адбимизни ўзбек тилимизнинг жонкуяри бўлган десак сира янглишмаган бўламиз. Унинг бир пайтлар хорижий тилларни ўргатадиган олий ўқув юрти талабалари билан бўлган учрашувда ўзининг миллатдош ўғил-қизларига қарата: “Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, испан, француз тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингизга чет тиллар билан бирга (балки биринчи навбатда) ўз она тилимиз – ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб бориңлар! дея айтган гаплари бўлган десак

бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар: қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил

### Мулоҳаза

маданиятимизнинг машъали бўлинглар!” дея айтган гаплари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўз она тилига бўлган меҳр, аввало, оилада шаклланади. Лекин минг афсуски, айрим оилалар боласини мактабга бормаёқ репетиторга бериб, рус, инглиз тилларини ўрганишга мажбурлашади.

Тилни яхши ўрганишлари учун уйда ҳам чет тилда гаплашишадди. Оқибатда болада ўз она ти-

лига бўлган эътибор сусаяди. Барча ота-оналарга битта гапни айтган бўлардим, бола ҳали ёш, хорижий тилларни ўрганадиган вақти ҳам келар, аввало, уларга ўз она тилимизни пухта ўргатинг.

Боланинг қалбида она тилига бўлган муҳаббат мактабда шаклланади. Уларга тўғри ёзиш ва тўғри ўқишни ўргатамиз. Лекин болани чалғитадиган, иккилантирадиган нарсалар бор. Булар кўча-кўйдаги паннолардаги, транспортлар “пешона”ларидаги ва интернет тармоқларидаги хабарлардаги хато ёзувлардир. Бу нарсалар болаларимизни саводсизлик сари етаклаши ҳеч гап эмас. Тилимиз софлиги учун курашаётган эканмиз, масъуллардан мана шу хатоликларга барҳам беришларини сўрадик.

**Малоҳат ҚОДИРОВА,**  
бошланғич синф ўқитувчиси.

2020 йил – Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

## ЭЪТИБОР ЯНГИЧА ИШЛАШГА РУҲЛАНТИРДИ

Бугунги кунда маҳалла тизими рақамли иқтисодиётнинг чуқур кириб бораётганлиги фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш имконини беради.

Кун кеча туманимиз ҳокими томонидан тумандаги 86 та маҳалла фуқаролар

йиғинлари оқсоқолларнинг планшет ва компьютер жамланмаси билан таъминланиши шу мақсадга хизмат қилади.

Бундай эътибордан руҳланган оқсоқоллар энди ишларини замон талабларига мос тарзда ташкил этишга киришдилар.

**Назокат МАВЛОНБЕКОВА.**

## АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан Тошкент шаҳрида очилган “Ғалаба боғи”га уюштирилган саёҳат аввалгилардан ўзгача бўлди. Саёҳатчилар қатагон йилларида жабр кўрган оилаларнинг ва Иккинчи жаҳон урушида фарзандларидан жудо бўлган Зулфия Зокиро-

ванинг авлодлари эди. Улар “Ғалаба боғи”ни қалбларида чуқур ҳаяжон ва айни чоқда фахр туйғулари билан айланишди, бу дунёдан ўтиб кетган ватанпарварлар хотирасига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибордан ғоятда мамнун бўлдилар.

**Наргиза АҲМЕДОВА.**

## ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Яқинда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан жамият равишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бир гуруҳ отахону онахонларнинг Зангиота мажмуасига зиёрати ташкил этилди.

“Зангиота зиёратгоҳи – ўзлимиз кўзгуси” деб номланган мазкур тадбирда Занги отанинг ҳаёти, фаолияти, амалга оширган ишла-

ри, шу билан бирга мажмуанинг бой тарихи билан яқиндан танишдилар.

Давлатимиз томонидан кейинги йилларда зиёратгоҳда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларига таҳсинлар айтдилар. Дилларни қувнатиб, кўзларни яйратадиган ободонлаштириш ишларидан кўнгиллари шод бўлганини таъкидладилар.

**Дилбар ШАРИПОВА.**

## АНОР ТАГИДАГИ “ЗАҲАР”

**М.Т.нинг ёши салкам элликни қоралаб қолган. Лекин шу ёшида ақли қуюлиш ўрнига суюлди ва охир-оқибат энди у суд залида қилмишига яраша жавоб беришига тўғри келади.**

М.Т. июль ойида томорқасида ўсиб турган анорнинг тагида бир туп наша гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб ётганлигига кўзи тушиб, фикри бузилади. Гиёҳванд моддаларнинг инсон учун зарарлигини билатуриб уни парвартишлай бошлайди. Лекин

### Гиёҳвандлик – иллат

унга “ҳосили”нинг роҳатини кўриш насиб этмади. 16 сентябрь кун туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорандори–2020” тадбирида унинг хонадонни кўздан кечирилганда М.Т. ўзи етиштириб келган каннабис гиёҳвандлик моддасини яшириш мақсадида юлиб олиб, уйининг томорқасига, девор тагига ташлаб, қонунга хилоф равишда сақлаб келатганлиги аниқланди.

Гиёҳванд моддаларнинг зарари

ҳақида жуда кўп гапирилади. Унинг одам саломатлигига путур етказиши, умрини хазон қилиши, оилаларни ҳар томонга тарқатиб юбориши, жиноят эшигини очиши каби салбий зарбаларини ҳамма яхши билади. Лекин энг ачинарлиси шундаки, болаларга ижобий томондан ўртак бўлиши керак бўлган айрим катта ёшдаги одамлар бу иллат ботқоғига ботишади.

Бизнинг зиммамизда биринчи галда фарзанд тарбияси туради. Шундай экан, келажагимиз эгаларига ижобий фазилатларимиз билан, аввало, ўзимиз ўртак бўлайлик.

**Жаҳонгир ХОЛМУРОДОВ,**  
туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчиси.

Зангиота тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 6 июлда 741183 реестр рақам билан рўйхатдан ўтказилган “ТУМОНАВОНУ 231” МЧЖ (СТИР: 306561500. Манзили: Қатортол қишлоғи ҳудуди) таъсисчининг 2020 йил 16 октябрдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Яқинда 33-мактабда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги “Ёшлар парламенти” аъзоси, “Адолат” СДП туман кенгаши қошидаги “Ёш адолатчилар қаноти” фаоли Фирдавс Ақромов ўқувчилар билан учрашди.

Фирдавс ёшларга давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳиятини тушунтирди, маърузада кўтарилган

масалаларни атрофлича тушунтирди.

Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан ёш тарғиботчи ўқувчиларни яхши ўқишга, давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланишга, жамоат ишларида фаол бўлишга ундади.

**Нигора ХОЛХЎЖАЕВА,**  
“Адолат” СДП туман кенгаши раиси.

## АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февраль кунги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сонли Фармони имзоланди. Ушбу Фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва дастур билан республикамиздаги вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш халқаро тавсиялар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда уч босқичда амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади. Давлат статистика кўмитаси томонидан аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) муҳим илмий ва олий таълим муассасалари иштирокида аҳолини рўйхатга олиш бўйича илмий-услубий ва қўлланма материаллар тайёрлайди;

б) ҳар бир аҳоли пунктида

аҳолини рўйхатга олишни мувофиқлаштирувчи рўйхатга олиш участкалари мудирилари, давлат статистика органлари ходимлари орасидан супервайзерлар (назоратчи инструкторларнинг) тайинланишини таъминлайди;

в) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда рўйхатга олувчи ходимларни ўқитишни, шунингдек, рўйхатга олиш варақаларини синов кўришида тўлдириш бўйича амалий машғулларни ташкил этади;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда моддий-техник воситаларни сотиб олишни, рўйхатга олиш варақаларини автоматик тарзда қайта ишлаш учун сервер ускуналари, сканерлар ва бошқа офис техникалари билан таъминлаш учун тендерлар ташкил этишни ва ўтказишни, аҳолини рўйхатга олиш варақаларини кириштириш, қайта ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилишини, автоматлаштирилган тизимнинг шахслар ҳақида ахборот (СТИР, паспорт тизими ва ҳоказолар) олиш учун давлат органлари ахборот ресурслари билан интеграциясини, аҳолини рўйхатга олиш натижаларини олиш бўйича дастурий воситалар тайёрланишини таъминлайди.

д) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-

нистрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ҳақида аҳолини SMS-хабарнома жўнатиш, тарғибот ишлари олиб бориш, реклама роликлари чиқариш орқали хабардор қилади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг жамиятимиздаги ўрни шунчалик муҳимки рўйхатга олиш натижасида маълум бир санада аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллати, ҳар бир аҳоли пункти бўйича сони, оилавий аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони, аҳоли бандлиги ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлар сони тўғрисида батафсил маълумотлар олинади. Статистика идоралари аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасида тўпланган маълумотлардан танланма кузатувларни ташкил этишда, мониторинглар юритишда маълумотлар базаси сифатида фойдаланади. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасида тўпланган маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сўбатни белгилаш, ижтимоий сўбат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

**Туман Статистика бўлими.**

### Реклама ва эълонлар

Зангиота тумани ЕТ ва КМК томонидан Чиғатой-Оқтепа қишлоғи, “Далабоғ” кўчасидаги 30-уй(нотураржой)нинг Бекчанова Дилбарой Фозилова номига берилган кадастр ҳужжати нусхаси (архив: № 128) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани ЕТ ва КМК томонидан Назарбек қишлоғи, “Садоқат” кўчасидаги 22-уйнинг Акбаров Равшан Тургунович номига берилган кадастр ҳужжати нусхаси ҳамда гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманидаги 38-мактаб томонидан Бузруков Саидаълоҳон Баҳодир ўғли номига 2019 йилда берилган УМ № 0204111 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани ЕТ ва КМК томонидан Эркин қишлоғи, “М.Абдуллаев” кўчасидаги 19-уйнинг Файзуллох Умида Шоисломовна номига берилган 11-04-08-01-02-0176 рақамли кадастр ҳужжати нусхаси (архив: № 3608) ҳамда гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани ЕТ ва КМК томонидан Туркистон қишлоғи, “NURAFSHON FAYZLI BOG’I” БУШ, 28-хонадон(нотураржой)нинг Алимов Дилшод Шухратович номига берилган кадастр ҳужжати нусхаси (архив: № 716) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Рихситиллаев Жаҳонгир Нуриддинович (СТИР: 447907843) номига 2017 йил 9 январда берилган 13300 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# “ҲАМОН ЎША-ЎШАСАН... ҚИЁ БОҚМАЙ ЎТАСАН...”

1 тўпланиб қолган маиший чиқиндилардан тозалаб, саранжом ҳолга келтириб қўйишган эди. Шунингдек, Назарбек чорраҳасидан Ал-Хоразмий ҳудудида кираверишдаги ҳолат ҳам бугунги кунда бартараф этилганлигини кўриш мумкин. Аммо...

Орадан уч ярим ой ўтиб яна мавзуга қайтдик. “Қаҳрамон” маҳалласи муюлишидан “Бўзсув ГЭСлар каскади” томон йўл олиб, “Намуна” маҳалласига кириб бордик. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ёқалари афсуски, яна лоқайдлик, эътиборсизлик “қурбони” бўлиб қолмоқда. Бу ердаги ҳунук манзарани каналнинг муҳофаза бетон плиталари ҳалигача яшириб келаётган экан. Канал ёқаси маҳаллий аҳоли томонидан чиқариб ташланаётган дарахт шох-шаббалари, маиший чиқиндиларга тўла.



Ўша кезларда мақолага маҳалла фаоллари томонидан бироз эътироз билдирилганди. Канал ёқалари бевосита маҳаллага қарашли эмаслиги ва алоҳида ташкилот муҳофаза ҳудуди эканлиги, шу боисдан бу ердаги тозалликка улар масъул эканлиги айтилганди. Лекин, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, наздимизда бу ердаги ўзибўларчиликка маҳалла аҳли бирдек айбдор ҳисобланади. Ахир, канал ёқаси шу ҳудуд аҳолиси томонидан чиқариб ташланган чиқиндилар туфайли ах-

латхонага айланмаётимикан?

Бу борада маҳалла фаоллари аҳоли орасида тегишли тушунтириш ишларини етарлича олиб боришлари, халқимизнинг асрий анъаналаридан бўлмиш сувни эъозлаш, унга нотўғри муносабатда бўлмаслик ҳақида огоҳлантиришлари лозим эмасми?!

## ҲИДИГА ҲАМ, КЎРИНИШИГА ҲАМ ЧИДАБ БЎЛМАЙДИ

“Найман” маҳалласига кириб борар эканмиз, аввал кўрсатиб ўтилган аянчли ҳолатлар ҳудуд мутасаддилари томонидан ханузгача бартараф этилмаганлиги ва ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Аҳволни кўриб “Ҳамон ўша-ўшасан, қиё боқмай ўтасан”, деб юбордик беихтиёр.

Афсуски, бу ердаги маиший чиқиндилар ҳамон оғрикли нукталаримиздан бири бўлиб қолмоқда. Назоратсиз қолдирилган майдонга аҳоли томонидан турли саноат ва кундалик маиший чиқиндилар ташлаб кетилмоқда. Натижада, маҳалла ҳудудида олиб кирувчи остонада кўнглини хира қилувчи манзара акс этган. Бу ернинг қўланса хидига ҳам, кўринишига ҳам чидаб бўлмайди.

Маълумки, азалдан ота-боболаримиз ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келишган. Албатта, бу эзгу ишларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни алоҳида. Шу боис ҳудуд мутасаддилари ушбу анъанани давом эттириб, ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуд атрофини ободонлаштириш, озода ва покизалигини сақлашга алоҳида эътибор қаратишса, албатта фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Маҳалла аҳолиси кунда шу чиқиндилар уюми ёнидан бепарво ўтади, ҳудуд мутасаддилари ҳам лоқайд. Бундай муносабат билан биз нафақат ўзимизга, балки фарзандларимиз саломатлигига, тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганимизни наҳотки ўйлаб кўрмасак.

## ҲАМОН “МУҲОФАЗА”ГА МУҲТОЖ

Аввалги мақолада ҳам “Қирғузар” маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи “Юқори жун” канали ёқалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эдик. Йўлимизни ўша манзил

томон давом эттирдик. “Назарбек” чорраҳасига етмай кўчанинг чап томонида шлакоблок билан ўралган узунгина девор бор. Унинг ортида эса “ажиб манзара”лар яширинган. Асли туман Ирригация бўлимига қарашли бўлган муҳофаза ҳудуди ноқонуний ўраб олинган. Ҳозирда бу макон маҳаллий аҳоли томонидан чиқиндихонага айланганлиги олинган. Биринчи сафар чоғида бу ердаги ўт-ўланлар, маиший чиқиндилар эътиборсизлик оқибатида



ёқиб юборилганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Энди эса, манзара бироз ўзгарган: аҳолининг “беминнат” чиқиндихонасига айланган. Канал четидан ер ёқалаб ўтган каттагина газ қувури ҳамон хавфли аҳволда.

## ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ЗАРУР

Сув бўйларининг ифлослини тобора чирой очаётган қишлоқларимиз хусусига доғ бўлиб тушишдан ташқари одамлар қалбининг хиралашаётганидан дарак бераётгандек туюлади. Бу борадаги маданиятимиз бугун экологик тарбияга муҳтожлик сезаётгандек. Жойларда уламоларимиз кийиниш, юриш-туриш, одоб билан бир қаторда ўз ваъзларида атроф-муҳитга бўлган маънавий масъуллик хусусида сўз айтишса, бу ҳам имондан эканлигини эслатиб туришса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Яна бир гап. Туман маркази тозаллиги билан бошқа ҳудудларга ўрнатилган бўладиган жой. Лекин бу ердаги нон сотиб ўтирган сотувчиларнинг яқинидаги йўл четидаги кичик майдоннинг “чиқиндихона”га (юқоридаги суратда) айланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ,  
“Истиқбол” мухбири.

Суратлар муаллифи: Комил САЪДУЛЛО.

## Билиб қўйган яхши

### БУЙРАКЛАР ДУШМАНИ

Буйрақларнинг асосий душмани ош тузи ҳисобланади. У ҳатто соғлом буйрақларга ҳам зарар етказиши мумкин.

### УХЛАШ ЭКАН ДЕБ ПЕШИНГАЧА ЁТМАНГ...

Шамоллашдан ҳимояланиш учун кўпроқ ухлаш керак. Уйкуга тўйинган организм ўзини ўзи вирусли касалликлардан ҳимоялай олади. У шамоллаш ва гриппга қарши ҳар қандай бошқа воситалардан кучли.

Қаттиқ уйку иммунитетни фаоллаштиради. Мутахассислар бир суткада 7 соатдан кам ухламасликни тавсия этишмоқда. Қишда уйку вақтини одатдагисидан 1-2 соатга кўпайтириш зарур.

Уйкуга кетиш вақти ҳам муҳим роль ўйнайди. Қанча барвақт ухласангиз шунча яхши. Бир кунда етти соатдан кўп ухлайдиганлар шамоллашга камроқ чалинади.

### ИШТАҲАНГИЗ ЙЎҚМИ?

Айрим беморлар иштаҳасизликдан шикоят қилишади. Иштаҳани очиш учун етарли миқдорда Д, С, В витаминини қабул қилиш керак. Бу витаминлар олма, кўкатлар, тухум, ёғсиз гўштда кўп.

### (Давоми. Бош қисми ўтган сонда.)

Унга Марзия опа тушқун аҳволдалигини, оғир касалликдан кейин ҳалигача ўзини яхши ҳис этмаётганлигини, уйдагиларни неча марта чақиритишса ҳам келмаётганлигини арзиҳол қилди.

# БИР ДОНА ҚИЗИЛ ОЛМА

– Сиз чақиринг, аҳволи оғир денг, зора келишса, – деди.

Бошлиқ унинг айтганидек қилди.

\*\*\*

Фарзандларининг тушдан кейин келишини эшитган Марзия буви касаллигини ҳам унутди, ҳамшираларнинг ҳайҳайлашига қарамай оҳиста юриб, ҳовлига чиқди, анча наридаги қаторлашиб экилган басавлат дарахтлар соясидаги узун ўриндиққа бориб ўтирди. Унинг икки кўзи дарвозада эди. Шу кўйи асргача ўтирди. Кампирнинг фарзандларини интизор бўлиб кутаётганлигини билган бошқа қариялар ҳам унга ҳалақит бермаслик учун анча нарида сайр қилиб юришарди. Кутиш дақиқалари шунчалар узок ва оғир эди. Лекин Марзия буви буни деярли ҳис этмас, бутун вужуди қулоқ ва кўзга айланиб, йўлга термулганча қотиб ўтирарди.

Ниҳоят, хира тортган кўзлари дарвозадан кириб келаётган икки шарпани илғади. Соялар борган сари анча тиниқлашиб,

онаизорнинг нақ бурни тегига келганида тўхтади. Кампир таниди: улар ўғли ва қизи эди. Туйқусдан онанинг оёқларига маддор кирди, ўрнидан туриб биринчи бўлиб қизини бағрига босди. Қизи салом бериб, номигагина кўришган бўлди-да, бурнини

жийриб ортага тисарилди. Унга кампирдан келаётган қарилик ҳиди ёқмаётганди.

– Бизга сизни оғир касал деб телефон қилишганди, туппатузук экансиз-ку, – деди ўғли саломлашиб бўлгач. – Зарур ишларимиз бор эди, қолиб кетди, намунча шоширма-сангиз, вақт топиб келардик.

– Сенларни соғинганман, болаларим, – деди кампир ялинганнамо. – Кўргим келди. Нима қилай ахир. Бир йилдан бери кўришмадик.

– Тоза, иссиқ жой, еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда, сизга яна нима керак, ойи, – гапга қизи қўшилди. – Биласиз, касалман. Ўзимнинг дардим ўзимга

етиб ортаепти.

## Ҳикоя

Чақирмасангиз

ҳам бироз тузалиб олгач келмоқчийдим.

Болаларининг гаплари кампирга оғир ботди, лекин сездирмади, кўярда-қўймай уларни ётоғига бошлади.

– Қўйсангиз-чи, ойи, – деди ўғлининг оёғи тортмай. – У ерда ҳамхонангиз бўлса, ноқулай.

– Ҳамхонам... йўқ, – Марзия бувининг кўзларига ёш тўлди. – Ўтган ҳафта бандаликни бажо келтирган...

Жамила АРСЛОНОВА.  
(Давоми бор.)



	16 октябрь		17 октябрь		18 октябрь		19 октябрь		20 октябрь		21 октябрь		22 октябрь	
кечаси	+7	+9	+7	+9	+6	+8	+7	+9	+7	+9	+7	+9	+8	+10
кундузи	+22	+24	+22	+24	+22	+24	+23	+25	+20	+22	+21	+23	+19	+21

Муассис: Зангиота тумани ҳоқимлиги	Бош муҳаррир ўринбосари Жамила АРСЛОНОВА	МАНЗИЛИМИЗ: Эшонгузар кўргони, Ҳоқимлик биноси. Тел.: 70-97-53-286. Электрон почта: z-istiqbol@umail.uz	Газета ҳафтанинг жума куни чиқади. Ҳажми 1 табоқ, қоғоз бичими А3. Офсет усулида босилди. Баҳоси эркин нарҳда. Босишга топшириш вақти: 12.00. Босишга топширилди: 12.00. 1 2 3 4 5 6	Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Хуршида САЪДУЛЛАЕВА. ISSN 2181-61820
--	---	--	--	---

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Адади 2437. Буюртма № Г-1007.

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида  
2012 йил 24 июлда 03-015 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр индекси: 64895

Нашр учун масъул:  
Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ.